NAMANGAN HAQIQATI

VILOYAT HOKIMLIGINING NASHRI


82 – 83 – son (20409) | 22-oktabr 2026-yil

NAMHAQIQATI.UZ | NAMHAQIQATI | @NAMANGANHAQIQATI_RASMIY | NAMHAQIQATI | NAMHAQIQATI



ОДАМЛАР БИЗДАН РОЗИМИ?

ХАЛҚ ВАКИЛИ ХАЛҚ БИЛАНМИ?



Давлат бошқарувининг демократик моҳияти, аввало, халқнинг овози қай даражада эшитилаётгани, фуқаролар манфаатлари қарорлар қабул қилиш жараёнида қанчалик инобатга олинаётгани билан белгиланади.

Маҳалладаги ҳал этилмаган муаммо, аҳолини қийнаётган ижтимоий масала ёки ҳудуд тараққиётига дахлдор қарорлар халқ ҳокимиятчилигининг ҳақиқий синовидир. Ана шу жараёнда депутатнинг ўрни ва масъулияти алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, депутатлик мандати шунчаки мақом ёки имтиёз эмас, балки сайловчилар ишончи ва халқ олдидаги юксак масъулиятдир.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар маҳаллий вакиллик органларининг ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг мустақиллиги ва назорат ваколатларини оширишга қаратилган. Ҳоким ва Кенгаш раиси вазифаларининг ажратилиши маҳаллий бошқарувда ўзаро тийиб туриш ва ҳисобдорлик механизмларини кучайтириш учун муҳим асос яратди. Бироқ қонун билан берилган ваколатнинг ўзи етарли эмас. Унинг самараси депутатнинг мустақил фикри, принципиал позицияси ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий фаолиятида намоён бўлади.

Кучли Кенгаш, аввало, мустақил фикрлайдиган, ижро ҳокимияти фаолиятига холис баҳо бера оладиган ва ҳудуд манфаатларини қатъий ҳимоя қиладиган депутатлардан шаклланади. Депутатнинг вазифаси ҳар қандай қарорни маъқуллаш ёки ижро органлари фаолиятига асоссиз аралашиш эмас. Аксинча, у муаммони чуқур ўрганиши, асосли саволлар қўйиши, масъуллардан аниқ жавоб талаб қилиши ва самарали ечимларни илгари суриши лозим. Назоратнинг мақсади айбдор излаш эмас, балки камчиликларни бартараф этиш, бошқарув сифатини ошириш ва аҳоли манфаатларини таъминлашдан иборат бўлиши керак.

Маҳаллий бюджет депутатлик масъулияти намоён бўладиган энг муҳим йўналишлардан биридир. Чунки, бюджетдаги ҳар бир маблағ ортида муайян ҳудуднинг эҳтиёжи, одамларнинг умиди ва ижтимоий тараққиётга дахлдор вазифалар туради. Қайси маҳаллада ичимлик суви муаммоси ҳал этилади, қайси йўл таъмирланади, таълим ва тиббиёт муассасаларига қанча маблағ ажратилади — буларнинг барчаси аҳоли ҳаётига бевосита таъсир кўрсатадиган қарорлардир. Шу боис, депутат бюджетни муҳокама қилишда фақат маблағ миқдорига эмас, унинг мақсадли сарфланиши, адолатли тақсимланиши ва қандай натижа бераётганига ҳам эътибор қаратиши зарур.

> **Наманган вилоятида маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, бюджет ижроси ва ҳудудий муаммоларни муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кенгаш сессияларида муҳим масалаларнинг кўриб чиқилиши, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш ва маблағларни устувор вазифаларга йўналтиришга қаратилган қарорлар қабул қилиниши вакиллик назоратининг аҳамиятини кўрсатади. Энг муҳими, муҳокамалар муайян қарор қабул қилиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Ҳар бир қарорнинг ижроси, белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва аҳоли ҳаётидаги амалий натижалар мунтазам ўрганилиши лозим.**

Депутатлик назоратининг муҳим воситаларидан бири депутат сўровидир. Бироқ масъул ташкилотдан расмий жавоб олиниши муаммо ҳал этилди, дегани эмас. Агар фуқаро мурожаатига жавоб берилса-ю амалдаги вазият ўзгармаса, бундай назоратнинг самараси шубҳа остида қолади. Шунинг учун, ҳар бир депутат кўтарилган масаланинг ечимига қадар изчил ҳаракат қилиши, масъул ташкилотлар фаолиятини кузатиб бориши ва натижалар ҳақида сайловчиларга очиқ маълумот бериши зарур. Депутатнинг обрўси қанча кўп сўров юборгани билан эмас, қанча муаммонинг ҳал этилишига ҳисса қўшгани билан белгиланади.

Халқ вакили масъулиятини фақат аҳоли билан учрашувлар ўтказиш, мурожаатларни қабул қилиш ёки эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш билан чеклаб бўлмайди. Булар муҳим ишлар, албатта. Аммо депутатнинг асосий вазифаларидан бири одамларни қийнаётган муаммоларнинг тизимли сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ташкилий чораларни илгари суришдир. Масалан, бир оилага ёрдам бериш эзгу амал бўлса, юзлаб оилалар дуч келаётган муаммонинг сабабини бартараф этиш кенгроқ ижтимоий самара беради. Ҳақиқий депутатлик фаолияти ана шу икки йўналишни уйғунлаштиришни талаб қилади.

Бугун депутатлар олдида турган муҳим вазифалардан яна бири — сайловчилар билан доимий ва самарали мулоқотни йўлга қўйишдир. Фуқаролар ўзлари сайлаган вакилнинг фаолияти, кўтарган масалалари ва эришган натижалари ҳақида мунтазам маълумотга эга бўлиши керак. Қайси муаммо ҳал этилди, қайси масала масъул ташкилотлар томонидан кўриб чиқилмоқда, қайси вазифанинг бажарилиши кечикмоқда — бу саволлар очиқлик тамойили асосида ёритилиши лозим. Замонавий ахборот технологиялари ва рақамли платформалар бундай мулоқотни янада қулайлаштириш имконини беради. Очиқлик эса депутатга нисбатан ишончни мустаҳкамлайди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштиришда депутатларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва таҳлилий билимларини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бюджет лойиҳаларини ўрганиш, қарорларнинг ижтимоий оқибатларини баҳолаш ва муқобил таклифлар ишлаб чиқиш учун профессионал ёндашув зарур. Доимий комиссиялар фаолиятини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларини муҳокамаларга жалб қилиш ва жамоатчилик назоратидан самарали фойдаланиш орқали Кенгашларнинг таъсирчанлигини ошириш мумкин. Бунда асосий мезон сессиялар ёки қарорлар сони эмас, балки уларнинг ҳаётда қандай натижа бераётгани бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, депутатлик — бу шунчаки лавозим эмас, халқ ишончига асосланган юксак масъулиятдир. Депутатнинг ҳақиқий қиёфаси унинг эгаллаган мақоми билан эмас, халқ манфаатлари йўлидаги қатъияти, муаммолар ечимига қўшган ҳиссаси ва қабул қилинаётган қарорлар устидан олиб бораётган самарали назорати билан белгиланади. Кучли Кенгаш — бу фақат ваколатлари кенгайтирилган орган эмас, балки фуқаролар ишончини оқлайдиган, ижро ҳокимиятининг ҳисобдорлигини таъминлайдиган ва ҳудуд тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган институтдир.

Наримон ДЕҲҚОНОВ,
Наманган давлат университети профессори,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

«СИНЕРГИЯ»: ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА

«Синергия» рақамли касблар техникумида ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик учрашув ташкил этилди.

Октябрь ойида ўтказилаётган кенг кўламли тезкор-профилактик ойлик доирасида ўтказилган тадбирда Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори, лейтенант Санжарбек Икромов ҳамда вилоят Наркология маркази шифокор-нарколог Ҳамидулло Аъзамов иштирок этди.

Учрашув давомида мутахассислар талабаларга гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмолининг инсон саломатлиги, руҳий ҳолати ва келажагига салбий таъсири ҳақида маълумот бердилар. Шунингдек, хавфли вазиятларнинг олдини олиш, турли салбий таъсирларга берилмаслик, муаммоли ҳолатларда тегишли мутахассисларга мурожаат қилиш бўйича амалий тавсиялар берилди. Очиқ мулоқот шаклида ўтган тадбирда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.





Таъкидланганидек, ёшларни зарарли иллатлардан асраш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш жамият олдидаги муҳим вазифалардан биридир. «Синергия» рақамли касблар техникумида таълим сифати билан бир қаторда талабаларнинг маънавий камолоти, соғлом фикрлаши ва ижтимоий масъулиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нилуфар ТОШҚЎЗИЕВА.